2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 9 (798), 2023 йил 14 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 январдаги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.**



13 январь куни Президент Администрациясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклади.

— Мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан бирга ботир аскар ва офицерлар билан, уларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги билан белгиланади. Шу маънода, миллий армиямизнинг чинакам қудрати бу, аввало, сизлар — ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ишга бағишлаган жонкуяр ва фидойи инсонлардир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда ихчам ва тезкор, катта ҳарбий салоҳиятга эга замонавий армия барпо этилди. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг янги, муносиб авлоди шаклланди. Президентимиз ғояси асосида халқ билан армия бир тану бир жон бўлди. Ҳарбийлик обрў-эътиборли касбга, ёшлар орзу қиладиган соҳага айланди.

Давлатимиз раҳбари бугунги қудратли армияни барпо этишда минг-минглаб фидойи инсонларнинг улкан хизматлари борлигини таъкидлади.

— Барча ислоҳотларимиз замирида "инсонни қадрлаш" деган олижаноб мақсад мужассам, — деди Президент. — Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг оиласини, маҳалласи тинчлигини, юрт осойишталигини таъминлаш дегани. Инсонни қадрлаш учун биринчи навбатда осмонимиз мусаффо, сарҳадларимиз дахлсиз, чегараларимиз мустаҳкам бўлиши керак. Бугун сизлар мана шундай вазифани шараф билан адо этмоқдасиз.

Маросимда давлатимиз раҳбари ҳарбий унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, азму шижоат, масъулиятли хизматида муваффақиятлар тилади.

Бу йилги тантанали тадбир яна бир жиҳати билан эсда қоларли бўлди. Маълумки, Амир Темур бобомиз биронта жангда енгилмаган, Соҳибқироннинг байроғи ҳамиша баланд ҳилпираб турган. У бугунги авлодлар учун қатъият, ҳарбий маҳорат, ғурур ва ифтихор тимсолидир.

Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан армия тизимида "Амир Темур жанговар байроғи" мукофоти таъсис этилди. Бу борада ўтказилган танловда Марказий ҳарбий округ ғолиб бўлди.

Маросимда ушбу округ қўмондонига илк бор "Амир Темур жанговар байроғи" тантанали равишда топширилди.

— Бу округ ўтган қисқа даврда ҳарбий хизматчиларни жисмоний ва маънавий тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий қисмларда ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш бўйича муҳим натижаларга эришди. Бу ижобий тажрибани чуқур ўрганиб, уни барча қўшинларга татбиқ этиш зарур, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, барча ҳарбий округларимизга Амир Темур бобомизнинг музаффар байроғига сазовор бўлиш бахтини тилайман, — деди Олий Бош Қўмондон.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар юксак ишонч ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда ўз ҳаётини она юрт ҳимоясидек улуғ ишга бағишлаган сиз, азизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф билан адо этаётган сизлар каби забардаст фарзандлари — баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан ҳақли равишда фахрланади.

Муҳтарам дўстлар!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, энг қимматли бойлигимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз албатта чуқур англаймиз.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири этиб белгиладик.

Ушбу стратегия асосида Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик.

Ўтган йили ҳарбий қисмларда илк бор **"Амир Темур жанговар байроғи учун"** мусобақалар бўлиб ўтди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий анъаналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизга муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар беқиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда азму шижоатли аскарларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳарбийлари Халқаро армия ўйинлари, "Кембрия патрули" ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳаракатини ташкил этганимиз ҳамда барча умумтаълим мактабларида мазкур ҳаракатнинг 20 мингдан зиёд ўқувчи ёшларни қамраб олган гуруҳлари тузилгани фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим.

Давоми 2-бетда

# ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

**Мудофаани бошқариш миллий марказида 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимиз мудофааси ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган йили ҳам Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, қўшинларнинг жанговар шайлиги ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш давом эттирилди.

Барча куч тузилмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги ахборот-коммуникация тизимлари Қуролли Кучларни бошқариш жараёнларига изчил интеграция қилинмоқда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Қуролли Кучлар бошқарув органлари ва қўшинларни биргаликда тайёрлаш тизимига хорижий армияларнинг ижобий тажрибалари жорий этилмоқда.

Давоми 2-бетда

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ЮРТ ПОСБОНЛАРИ



**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**Қалб кўзин очмоққа ҳидоят керак,**
**Ватан учун ҳар вақт ҳимоят керак,**
**Она юрт сарҳади — жоннинг сарҳади,**
**Ватанин кўриқлар йигитнинг марди!**

**Яшашнинг шарти бор, одамлик шарти,**
**Ўздан кечиб яшар элнинг жўмарди.**
**Эй сиз хур Ватаннинг дилу жонлари,**
**Мамлакат таянчи, юрт посбонлари!**

**Янги Ўзбекистон жавоҳирлари,**
**Алпомиш келбатли баҳодирлари,**
**Аждодларнинг руҳи сиз билан яшар,**
**Сизга шон ярашар, шараф ярашар!**

**Қалқонсиз халқ учун, номус-ор учун,**
**Бизга ором ёрдир сизлар бор учун.**
**Оналар дуоси куч-нажотингиз,**
**Жасорат бағишлар қасамёдингиз!**

**Тинчлик — хуш ҳаётнинг саодатидир,**
**Олий Бош Қўмондон кафолатидир.**
**Бугун сизга олқиш — бор эзгу тилак,**
**Эй юрт посбонлари, байрам муборак!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Фақат сўнгги бир йилнинг ўзида 3 мингдан ортиқ ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди, салкам 2 минг ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилди, 4 мингдан зиёд ҳарбийларнинг турмуш ўртоқлари касбга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди, 1250 нафар ҳарбий пенсионернинг бандлиги таъминланди.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда, бевосита чегараларимиз яқинида турли таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуролли Кучларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни тақозо этмоқда.

Бундай шароитда, аввало, жанговар ҳаракатларнинг самарали шакл ва усулларини тадқиқ ва татбиқ этиш, Қуролли Кучларнинг ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

Мамлакатимиз ҳудудларининг оператив жиҳозланишини таъминлаш, ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифадир.

Мудофаа саноатини тизимли ривожлантириш, учувчисиз учиш аппаратлари, зирҳли автомашиналар комплексини такомиллаштириш ишлари ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, қуйи поғоналардаги бўлинмаларнинг ахборот-психологик таъсирларга бардош бера олиш қобилиятини оширишга қаратилган тайёргарлик ишларини доимий йўлга қўйиш зарур.

Маълумки, биз 2023 йилни мамлакатимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб эълон қилдик.

Шу мақсадда ҳарбий қисмларда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини, билим ва малакаси, дунёқарашини юксалтириш, уларнинг касбий ва маданий қизиқишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига муҳим аҳамият берилади.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларимизда ҳарбийлар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш бундан буён ҳам олдимиздаги муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Бугунги қутлуғ айёмда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: **ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур**. Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, енгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг **“Билаги зўр — бирни енгар, онги ва юраги зўр эса — мингни”** деган доно ўгитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни уқтиради.

Шу маънода, ҳарбий таълим ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, миллий ўзлигимиз, эзгу қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Ўтган йили узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида жиддий қадамлар ташланди.

Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, келгусида унинг ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилади.

Навқирон авлодимизни бугунги ахборот маконида мавжуд таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда ёт ва зарарли ғояларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги амалий ишларимиз самарадорлигини оширишимиз зарур.

Табиийки, ушбу вазифаларни бажаришда **“Халқ ва армия — бир тану бир жондир!”** деган тамойилдан келиб чиқиб, ҳарбий-маъмурий секторлар ва кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Бугунги шонли айёмда мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги фидокорона хизматларингиз учун барчангизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, сизлар орқали оила аъзоларингизни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли хизмат вазифангизда улкан зафарлар тилайман.

Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи сизларга доимо ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

# ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

Бошланиши 1-бетда

“Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил ўз натижасини берди. Ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти самарасида ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаси тўлиқ янгиланди, янги ўқув полигонлари барпо этилди.

Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ҳам мустаҳкамланди. Ўтган йили 3 мингдан ортиқ оилалар уй-жой билан таъминланди. Ҳарбий аёллар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида “Тўмарис” нишони таъсис этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кирди, рафиқалари ва ҳарбий пенсионерлар иш билан таъминланди.

Йиғилишда соҳадаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ҳозирги шиддатли геосиёсий қарама-қаршиликлар шароитида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳаларда кескин муаммолар пайдо бўлмоқда. Мураккаб халқаро вазият, хавфсизликка нисбатан хавф-хатар ва таҳдидларнинг кучайиши Марказий Осиёда ҳам кузатилмоқда.

— Энг катта бойлигимиз бўлган тинч ҳаётни асраш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, келажак режаларимизни белгилашда ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашимиз шарт. Бу — бизнинг тарих ва келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Шулардан келиб чиқиб, навбатдаги устувор вазифалар белгиланди.

Аввало, Қуролли Кучларни рақамлаштиришни жадаллаштириш, соҳадаги вазирлик ва идораларнинг барча ахборот ресурсларини ягона хавфсиз ахборот майдонига бирлаштириш зарурлиги таъкидланди. Мудофаани бошқариш миллий маркази бу тизимнинг ўзаги бўлади.

Ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ҳарбий инженерлар мактабини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидаги тайёргарлиги ва ҳудудий мудофаасини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Қўмондонлик таркибининг қўшинларни бошқариш ва воситаларни қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги қайд этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тавсиялар берилди.

— Бизга бу кучни четдан излашнинг ҳожати йўқ. Шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби, — деди давлатимиз раҳбари.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини оширишни тақозо этмоқда. Шу боис, миллий армияни замонавий техникалар билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ривожлантириш долзарблиги таъкидланди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Улар учун ипотека асосида кўп қаватли уйлар қуриш, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солиш, ҳарбий тиббиёт муассасалари шароитларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сўзининг якунида Президент барча ҳарбийларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталини бориб кўрди.

Илгари бу шифохонанинг бинолари ҳам, иш услуби ҳам эски эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда бу ерга келиб, уни реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича топшириқлар берганди. Шу асосида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланди. Бошқарувда клиник менежмент жорий этилди.

Госпитал жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Шунингдек, бошқа беморларга ҳам пулли хизмат кўрсатилади. Бунинг учун 286 хил диагностик текширув, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.

Хусусан, жарроҳлик бўлимлари учун 8 қаватли янги бино барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шароитлар билан танишди. Бундай шифохоналарни ҳудудларда ҳам ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Ҳарбийлардан ташқари спортчилар ва аёлларни даволаш бўйича тавсиялар берилди.

Таълим билан амалиёт боғлиқлиги ҳам самарали йўлга қўйилган. Илгари бундай мутахассислар Тошкент тиббиёт академиясининг Ҳарбий тиббиёт факультетида тайёрланар эди. Президентимизнинг 2020 йил 22 октябрдаги “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур факультет негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси тузилди.

Аҳамиятлиси, ушбу таълим маскани Марказий ҳарбий клиник госпитал ёнида қурилди. Президент бу ердаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Академия 250 нафар талаба ва тингловчига мўлжалланган. Бу ерда бўлажак ҳарбий шифокорлар ўқитилади ҳамда тиббиёт ходимлари қайта тайёрланади. Ўқув биносида 2 та факультет, 5 та кафедра, 2 та марказ, институт ва маъмурият жойлашган. Хоналарда ўқув ва машғулотлар учун барча шароит яратилган. 186 ўринли ётоқхона ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари академиядаги таълимнинг мазмунига алоҳида аҳамият қаратди.

— Бино ва шароитлар яхши, лекин бу ишнинг бошланиши. Энди асосийси, ҳарбий тиббиётнинг мазмунини, моҳиятини тушуниб, ўқишни тўғри йўлга қўйиш керак. Бунинг учун хориж тажрибаси асосида педагогик, илмий ва амалий тизим яратиш зарур. Бу тизим бошқа тиббиёт олий ўқув юртларига муқобил ва рақобатчи, битирувчилар ўз йўналиши бўйича намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Академияда хорижий бошқарувни жорий этиш, илк битирувчиларни Туркия ва Жанубий Корея каби мамлакатларга малака оширишга юбориш бўйича кўрсатмалар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## МУНОСАБАТ

# “ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ”: ЎЗАРО ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР, ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

**Ўзбекистон барча халқаро ва минтақавий ташкилотлар, платформалар доирасида фаол иштирок этиб, халқимиз учун манфаатли ташқи сиёсат олиб бормоқда.**

**Анваржон МИРКОМИЛОВ,**
**“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи, эксперт**

2023 йил 12 январь куни Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”ка (G20) раислиги доирасида **“Ягона овоз, ягона мақсад”** мавзусида **“Глобал Жануб овози”** онлайн-саммит бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу саммитда концептуал аҳамиятга эга бўлган қатор таклиф ва ташаббусларни ўз ичига олган маъруза билан иштирок этди.

Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”даги раислиги доирасида ўтказилган саммитнинг мақсади ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини илгари суриш ва долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлида, шу жумладан, COVID-19 пандемияси, иқтисодиёт, экология, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, инновациялар, туризм ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида фикр алмашиш ва аниқ таклифларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Албатта, бугунги дунёда рўй бераётган геосиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, турли давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг юзага келиши глобал ҳамжамият учун иқтисодий инқирозларни юзага келтирмоқда. Хусусан, озиқ-овқат ва энергетика тақчиллиги масалалари жаҳон бозорида турли маҳсулотларга нисбатан нарх-навонинг кескин тебраниши натижасида инфляциянинг ўсиши учун асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама муносабатларда очиқ мулоқот ва энг асосийси, ўзаро ишончнинг йўқолиб бориш тенденцияси кўзга ташланмоқда.

> ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ УЗОҚ ТАРИХГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ҲИНДИСТОН ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ 1991 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДА ЭЪТИРОФ ЭТГАН БЎЛСА, 1992 ЙИЛ 18 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНГАН.




**“Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимизда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режаларни қўйганмиз. Ушбу марраларга эришиш учун 2023 йил Ўзбекистонда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди. Мамлакатимизда замонавий таълим ва касб-ҳунарларни эгаллаш имкониятини кенгайтириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Эҳтиёжманд аҳоли қатламини самарали ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни малакали ва сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ортга қайтмас тус олган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш йўлида халқаро шериклар билан яқин ҳамкорлик учун доимо очиқмиз”,** деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этган бўлса, 1992 йил 18 март куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида Дипломатик ва консуллик масалалари бўйича протокол имзоланган. Ўтган йили Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида икки томонлама ва турли форматдаги, жумладан, БМТ, ШҲТ, “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти шаклида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шу ўринда сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш ўринли бўлади. Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Самарқанд саммити якунлари бўйича 2023 йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилиш Ҳиндистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида дунёдаги сиёсий вазият, давлатлар рўбарў келаётган муаммоларнинг сабаблари ва салбий оқибатларини юмшатиш чоралари, мамлакатимиз олдига қўйилган мақсад ва эришилаётган натижаларни аниқ, батафсил баён қилиб берди.

> ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЎЗ МАЪРУЗАСИДА ДУНЁДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ, ДАВЛАТЛАР РЎБАРЎ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ЧОРАЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН МАҚСАД ВА ЭРИШИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАРНИ АНИҚ, БАТАФСИЛ БАЁН ҚИЛИБ БЕРДИ.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиши зарур бўлган қатор муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан:

**— мавжуд халқаро савдо тизимини такомиллаштириш;**

**— глобал даражада адолатли рақобат муҳитини яратиш масаласида умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш;**

**— ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;**

**— глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш;**

**— инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш.**

Шу билан бирга, **“Шимол-Жануб” халқаро йўлагини ривожлантириш, яъни Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга ошириш, жаҳоннинг етакчи давлатлари кўмагида “Глобал Жануб” учун яшил технология ва инновациялар ахборот банкини яратиш, “Жануб ёшлари овози” доимий мулоқот платформасини ташкил этиш, Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш таклифларини илгари сурди.**

Аҳамиятли жиҳати, мазкур саммитда илгари сурилган таклиф, ташаббус, қараш ва ғоялар жорий йил сентябрь ойида Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган “Катта йигирматалик” (G20) саммити кун тартиби шаклланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур саммит “Катта йигирматалик” (G20)га аъзо бўлмаган давлатларнинг қарашлари ва ғоялари билан ўртоқлашиш учун алоҳида имконият яратган платформа вазифасини бажарди.

Президентимиз тарафидан билдирилган концептуал ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ташаббуслар барча мамлакатлар транспорт ва транзит имкониятларини кенгайтириш, инновациялар борасида ахборот алмашинувининг тизимлашиши, “Глобал Жануб овози” ривожланаётган давлатлар ўртасида ўзаро дўстона алоқалар, фикр, тажриба алмашишнинг кенгайиши учун янги имкониятлар очади.

Ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур. Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, енгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг “Билаги зўр – бирни енгар, онги ва юраги зўр эса – мингни” деган доно ўгитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни уқтиради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



# МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТАРБИЯ

## ВАТАННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ, КЕРАК ПАЙТДА ЭНГ КУЧЛИ ҚУРОЛИДИР



**Минҳожиддин МИРЗО,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**

**Миллат ва халқнинг жанговар салоҳияти, букилмас иродаси ва мағрур руҳи ҳамма замонларда миллий давлатларнинг энг муҳим таянчи ва суянчи ҳисобланган. Соҳибқирон “Тузуклар”ида навкар танлашда уч қоидага амал қилгани, яъни йигитнинг куч-қуввати, қилич ўйната олиши ва ақл-заковатига эътибор берганини ёзади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилгани айни муддао бўлди.**

Йиғилишни том маънода тарихий анжуман, деб айтгим келади. Негаки, йиғилишда миллий армиямизни такомиллаштириш, унинг жанговар қобилияти, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, кадрларнинг ҳарбий профессионаллик даражасини ошириш билан бир қаторда руҳий-маънавий тайёргарлиги, ватанпарварлик тарбияси алоҳида диққат марказида бўлди. Мамлакат тинчлиги, хавфсизлиги билан боғлиқ барча масалалар комплекс муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳаётдаги энг буюк маслаги миллат ва Ватан ҳуррияти бўлган фидойи жадид боболаримизни алоҳида эслаб ўтди. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сўзлари тилга олинди: “Бу дунё кураш майдонидир. Бу курашнинг қуроли соғлом тан, ўткир ақл ва ахлоқдир”. Эътибор берган бўлсангиз, бу сўзлар Амир Темур сўзларига моҳиятан ҳамоҳанг. Аслида, бу сўзларда тириклик, тинчлик, барқарорликни таъминлашнинг муҳим асослари мужассам.

Наполеон Бонапартнинг “Армиядаги жанговар-маънавий руҳ ҳар доим ҳарбий қўшинларда энг муҳим кўрсаткич бўлиб келган. Ҳарбий соҳалардаги муваффақиятларнинг тўртдан уч қисми маънавий-руҳий тайёргарликка тегишли бўлиб, фақат бир қисмигина моддий жиҳатларга боғлиқдир”, деган сўзлари ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимиздаги янги давр руҳи барча соҳалар қатори Қуролли Кучлар тизимида ҳам янгиланишларни бошлаб берди. Ўтган қисқа вақт мобайнида мудофаа ишлари янги босқичга кўтарилди. Таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистоннинг чинакам янги армияси шаклланди.

Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идоралар фаолияти тубдан танқидий кўриб чиқилиб, замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Янги куч тузилмаси сифатида Миллий гвардия шаклланди. Ҳарбий таълимда собиқ иттифоқдан қолган, ўзида ўша давр мафкурасини ифодалаган тизимдан мутлақо янги, узлуксиз ҳарбий таълим жараёнига ўтилди. Янги тузилмалар ташкил этилди. Профессионал ҳарбий таълим берувчи тизимларни такомиллаштиришга киришилди. Замонавий таълим дастурлари, ўқув-услубий фаолияти тубдан қайта янгиланаётгани ҳарбий таълимга ўзгача руҳ олиб кирди. Президентимиз ташаббуси билан Урганч шаҳрида буюк саркарда, мардлик ва жасорат тимсоли Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг ўрнатилиши ватанпарварлик тарбияси борасида муҳим воқеа бўлди. “Ким Ватанга қалқон бўлса, мендирман ўшал!” деган сўзлар бугун улуғ саркарда тимсолида миллионлаб юракларда мардлик ва жасорат, ватанпарварликни улғайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар давомида миллий армиямизда маънавий-руҳий тарбияга эътибор кучайтирилди. Аввало, собиқ иттифоқдан қолган, уни қабул қилаётган аскар қалбида ҳеч қандай маънавий-руҳий туйғуни уйғотишга хизмат қилмайдиган “Ҳарбий қасамёд” ўзгартирилиб, ҳар бир сўзи моҳиятида улуғвор даъват янграб турувчи, аскар руҳиятига кучли таъсир кўрсатувчи “Ватанга қасамёд” матни яратилди. Бу эса миллионлаб йигитлар онги ва қалбида Ватанга садоқат руҳини улғайтирди. Қуйи бўғинда махсус “Темурбеклар мактаблари”, “Амир Темур”, “Жалолиддин Мангуберди” синфлари ташкил этилди.

Ҳақиқатан, ҳамма даврларда лашкарнинг қудрати, аввало, миллий руҳ ва ватанпарварлик тарбиясига боғлиқ бўлган. Ватанимиз тарихида айнан шу улуғ туйғу сабаб ўзидан сон жиҳатдан бир неча ўн баробар кўп бўлган қудратли лашкарларни енгган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо — булар маънавий руҳ, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини қудратли кучга айлантира олган юрт қалқонларидир. Ана шу маънода жасур аждодларимизнинг жанг санъати, ҳарбий меросини ўрганишга киришилди. Қуролли Кучлар тизимида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш, ватанпарварлик руҳини улғайтиришга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Адабиёт, санъат аҳли томонидан аждодларимиз мардона руҳи, ўлмас

> **ҲУШЁРЛИК, МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТАРБИЯ, ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАР БИР ЮРАКДА УЙҒОТУВЧИ КУЧ БЎЛИШИ КЕРАК. МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРГА ЭГА БЎЛМАГАН ҚАЛБГА, ҒАФЛАТ БОСГАН ЮРАКЛАРГА ЎЗГАЛАР БАЙРОҒИНИ ТИКИШГА ҲОЗИРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ.**

образлари ифода этилган тарихий асарлар, спектакллар, кинофильмлар ишлаш йўлга қўйилди. Қуролли Кучларимизнинг жаҳон миқёсидаги Халқаро армия ўйинларида кўрсатаётган мардлиги, билим ва ҳарбий маҳорати, руҳий иродаси улар қўлга киритаётган ютуқларда намоён бўлмоқда. Энг муҳими, бу борада олиб борилаётган янгича ёндашувлар асосида миллий армия ва халқ ўртасидаги девор олиб ташланди. Айниқса, жаҳонда эътироф этилаётган ҳарбий-маъмурий секторларнинг ташкил этилиши ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.



Бугун дунёда ҳар бир давлат ўз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлат суверенитетини сақлаб қолиш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида армиясини ҳар томонлама кучайтиришга ҳаракат қилади. Миллий армиясига ишонган, таянган давлатгина барқарор тараққий этади. Тараққиёт эса, ўз навбатида, халқнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиб, уни юксак фаровонликка олиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, бой ва қудратли давлатга айлантиради. Бу борада Соҳибқирон Амир Темурнинг “Аскари қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлур”, деган ҳикматини эслаш кифоя.

Келинг, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик: қачон армия қудратли ва енгилмас кучга айланади? Албатта, замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий салоҳият, билим, маънавий-руҳий тарбия бўлса. Аммо маънавий-руҳий тарбиянинг армияни енгилмас кучга айлантирувчи яна бир жиҳати бор, бу унинг халқ билан яқинлигида намоён бўлади. Дейдиларки, “Армияси ва халқи бир бўлган давлатни енгиб бўлмайди”. Негаки, армия билан бир бўлган халқ ўз тинчлиги ва фаровонлигини армия куч-қудратида кўради. Ундай халқ армия учун чинакам ватанпарварларни тарбиялаб беради. Вазият тақозосига кўра, хавф туғилганда у армия билан бир бутун кучга, енгилмас лашкарга айланади. Бунга тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Биргина, Нажмиддин Кубро жасоратини эслайлик:

“Мўғуллар Гурганжни қамал қилдилар. Гарчи Чингизхон бир неча маротаба 76 ёшли шайхга элчи юбориб, унинг саломат қолишига кафолат бериб, қалъани тарк этишга даъват этса-да, Нажмиддин Кубро “Киндик қоним тўкилган, менга меҳр-муҳаббат кўрсатган Ватаним учун курашиб ўлиш ҳуқуқини мендан ҳеч ким тортиб ололмайди”, дея бу таклифни рад этади. Таъбир жоиз бўлса, у етти ёшдан етмиш ёшгача юрт ҳимоясига отланган халқ лашкарига бошчилик қилади. Ватан байроғини баланд кўтариш баробарида ўзи ҳам байроққа айланади. Ватан ишқи, озодлиги йўлидаги инсоний бурч умрида ҳатто ўнлик лашкарни ҳам бошқариб кўрмаган буюк олим, донишманд Нажмиддин Куброни мўғулларга қарши қаҳрамонона жангга отланган қўрқмас қўмондон, мард жангчига айлантиради. “Ё Ватан, ё шарафли ўлим!” дея элга бош бўлиб шаҳар мудофаасига отланади.

Бу жанг она Ватанимиз тарихидаги энг шонли, шунингдек, энг фожиали саҳифалардан бири бўлди. Маънавий-руҳий қудрат, халқ ва лашкар ўртасидаги бирликни кўринг-да, энг зарур пайтда у ягона қудратга айланмоқда. Шайх бошчилигидаги мудофаачилар Ватаннинг юраги бўлмиш Гурганж ҳимоясини ор-номус ҳимояси деб билади. Бундай туйғу барча лашкарни қамраб олади. Натижада ҳар бир курашаётган жангчи, мудофаадаги халқ, каттаю кичик Ватан учун курашиб ўлишни фахр ва шараф деб ҳисоблайдиган енгилмас кучга айланади. Ўлимни мардона қарши олиш, ундан қўрқмаслик ҳақидаги улуғ шайхнинг даъвати мўғуллар бераётган қурбонлар сонини кескин ошириб юборади. Шайхнинг даъвати мудофаачилар қалбидаги ўлим ва мардлик тушунчаларини уйғунлаштиради. Шаҳарда тирик жон борки, мудофаачига айланди. Шайх душман байроғига чанг солганча ҳалок бўлади”.

### ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ



Тарихий маълумотларга кўра, қадимда хоразмшоҳлар давлатида аҳоли учун ҳарбий таълимдан сабоқ олиш мажбурий ҳисобланган. Бу хусусда муаррих Закариё ал-Қазвиний шундай ёзади: “Гурганж ниҳоятда кўп сонли аҳолига эга бўлган катта шаҳар. Бу ерда яшовчиларнинг барчаси, ҳатто кўкат сотувчилар, қассоблар, новвойлар, тўқувчилар ҳам жангчилар ҳисобланади...”. Улуғ аллома Рашидиддин Ватвот Хоразмнинг яна бир мустаҳкам қалъаси Ҳазорасп ҳақида шундай ёзиб қолдирган: “Бу ерда яшайдиганлар уруш юлдузлари остида таваллуд топиб, найза ва қиличларнинг сутидан баҳраманд бўлиб, вояга етадилар”. Мазкур маълумотларнинг ўзи ҳам қадимдан лашкар ва халқ ўртасидаги маънавий бирлик қай даражада бўлганлигини, юртимизда ҳарбий сабоқ олишга қанчалар катта эътибор берилганини кўрсатади.

Афсуски, инсоният ҳалигача “уруш маданиятсизлиги”дан “тинчлик маданияти”га ўта олгани йўқ. Аксинча, йилдан-йилга уруш ва низолар янгича тус олмоқда. Янги таҳдидлар кўлами ва сони ошиб, бу, ўз навбатида, кескин муаммоларни юзага чиқармоқда. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда дунёда глобал сиёсатнинг ҳарбийлашуви давлатлар салоҳиятининг ҳарбий салоҳиятга боғлиқлиги даражасини ҳам тобора оширмоқда. Ана шу маънода нафақат бугунги, балки эртанги таҳдидларнинг ҳам олдини олишга тайёр туриш ҳар бир мамлакатдан энг муҳим чораларни кўришни талаб этади. Таъкидланганидек, бугунги дунё кечаги дунё эмас, кундан-кунга янги кучлар, хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда. Кузатилаётган таҳдидлар биз учун муҳим сабоқ бўлиши лозим. Зеро, энг катта бойлик бўлмиш тинчликни асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Муҳим режаларни белгилашда мавжуд хавф-хатарларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Йиғилишда Янги Ўзбекистон армиясини кечаги мезон ва ёндашувлар билан барпо этиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Негаки, ҳар бир давлат ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз суверенитетини асрашни тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчи, мажбурияти, деб билади.

Биз мафкура полигонлари қанчалар кучайиб бораётгани, унинг таъсир доираси ҳар қандай ядро қуролларидан-да кенгроқ ҳудудларни қамраб олиши мумкинлигини кўплаб ҳаётий мисолларда кўриб турибмиз. Дунёда ҳақиқатан ҳам уруш стратегияси, жанг олиб бориш тактикаси ўзгариб бормоқда. Бугунги ахборот ва юқори технологиялар асрида фақат ҳарбий салоҳият, замонавий ўқув полигонлари, қурол-аслаҳаларнинг ўзи мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун етарли эмас.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, “Ахборот майдони ҳақиқий жанг майдонига айланиб бўлди”. Негаки, оммавий коммуникация технологиялари орқали ахборот каналлари ўткир ва тезкор қурол сифатида тобора куч олмоқда. Бу эса айнан ана шундай хуружларга қарши тура оладиган миллий армияни такомиллаштиришни талаб этади.

Зотан, кучли руҳий-маънавий тарбия нафақат Қуролли Кучлар тизими учун, балки мамлакат ёшлари учун ҳам энг муҳим воситадир. Айнан маънавий-руҳий тарбия керак пайтда қалқон, керак пайтда ҳимоя қуроли вазифасини ўтай олади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Маънавий тараққиёт стратегияси” ва уч йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларни қамраб олган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш борасидаги топшириқлари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Азалдан олимлари, шоирлари, бахшилари мардона сўз айтгувчи халқларни енгадиган куч бўлмаган. Ахир биргина “Алпомиш” достони асрлар давомида халқимиз учун асл ватанпарвар йигитларни тарбиялаб берувчи мардлик мактаби бўлиб келганининг ўзи бунинг тасдиғи эмасми? Фарзандлари юрагида юксак ватанпарварлик руҳини уйғотолмаган, камол топтира олмаган миллат, ҳар қанча қудратли қуролга эга бўлмасин, бир кун ғанимлар томонидан маҳв этилиши мумкин. Буни нафақат тарих, айни замонда дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ана шу маънода, йиғилишда Қуролли Кучлар тизимида аскар ва офицерларнинг маънавий-руҳий, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришда ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, телевидение ижодкорлари, маънавий-маърифий жабҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Негаки, кейинги йилларда яратилган, юракка яқин “Ҳарбий қўшиқлар”, “Жанговар чақириқлар”, “Ҳарбий мерос ва жанг санъати” ифода этилган тарихий-илмий, адабий асарлар, маънавий-ватанпарварлик дастурлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳушёрлик, маънавий-руҳий тарбия, ватанпарварлик ҳар бир юракда уйғотувчи куч бўлиши керак. Маънавий пойдеворга эга бўлмаган қалбга, ғафлат босган юракларга ўзгалар байроғини тикишга ҳозирлигини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Бугун душманнинг ўқлари инсонларни жисмонан йўқ қилса, унинг сўзлари кишиларни маънан маҳв қилмоқда. Душман томонидан отилган битта ўқ бир кишини йиқитса, у томондан отилган битта сўз минглаб кишиларнинг онги, руҳини маҳв қилиб, манқуртга айлантирмоқда.





Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Мардлик мардликни уйғотади, эр йигит сўзи эр йигитни камолга етказади. Аждодларимиз мардона руҳи, жасорати билан асрлар давомида душманларни қўрқув ва таҳликага солиб турган. Зеро, шер бор жойга қашқир йўлолмас, деб бежиз айтмаганлар. Ана шу маънода, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг оташин қўшиқларидан биридаги “Билиб қўй, шерларнинг макониданман”, деган сатрлари буюк аждодлар жасоратини юракларга солади. Зеро, буюк аллома бобомиз Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида бежиз қуйидаги сўзларни ёзмаган: “Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай буюк жангчини кўрмаган. Бу зот шу қадар буюкки, ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам унинг олдида таъзим қилади”.

Белгиланган вазифалар ижро этилар экан, яқин йилларда нафақат Қуролли Кучлар тизимидаги аскар ва офицерлар, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбида миллий руҳ, миллат шаънини асраш туйғуси, ватанпарварлик янги босқичга кўтарилади. Миллатнинг ғурури, ори, ҳамияти, бирлигини йўқотишга, ёшларимиз юрагидан ватанпарварлик туйғусини сидириб ташлашга уринаётган кучларга нисбатан ҳам зиёлилар энг катта маънавий қурол — муқаддас Ватанимизга бўлган юксак муҳаббатни дастур қилиб майдонга чиқиши лозим.

Бу ҳолатда юртнинг келажаги, мамлакатимиз тараққиёти, юксалиши биз, фуқаролар, энг аввало, зиёлилар, миллатпарварлар, катта-кичик лавозимдаги кишиларнинг ўтмиш ва келажак олдидаги маънавий масъуллигига, бу масъулиятни бутун онгу шууримиз, қалбимиз билан ҳис этишимизга боғлиқ.





ХАЛҚ ВА АРМИЯ — БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР!

Дунёда энг бебаҳо бойлик — аҳоли тинчлиги ва осойишталиги. Шу бойлик бўлмаса, инсонга ҳеч нарса татимайди. Донишмандларимиз ҳам юрти тинчнинг ўзи тинч, деб бежиз айтмаган. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойда юксалиш, тараққиёт бўлади.

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

**Фахриддин САМАДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси**



Шундай дориламон кунларда оиламиз даврасида фаровон ҳаёт кечиришимизда мард, жасур аскар ва офицерларимизнинг хизматлари катта. Зеро, улар туну кун иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда эса миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб тура оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига айланди.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армия шаклланди. Унинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини бермоқда.

Шунингдек, қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилган ҳолда, энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажаришга қодир бўлган бўлинмалар ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошди.

Президентимиз ташаббуси билан "Миллий армиямиз — бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг бирлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур секторлар армия билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи, ҳудудий мудофаа масалаларида ҳал этувчи орган бўлиб хизмат қилмоқда.

Мудофаа соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида сўнгги йилларда бир қатор нуфузли халқаро ҳарбий машғулот ва ўйинларда Ўзбекистон ҳарбийлари жамоалари фахрли ўринларни эгаллаб келаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги VIII Халқаро армия ўйинларининг 21 йўналишида иштирок этди. 34 йўналишни қамраб олган мусобақаларда 37 давлатдан 257 жамоа ўзаро беллашди. "АрМИ — 2022" Халқаро армия ўйинларида вакилларимиз муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.



Қуролли Кучлар академияси, янги ташкил этилган Ҳарбий-тиббиёт академияси, "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейлари ва бошқа ихтисослаштирилган ўқув юртлари эса профессионал кадрлар тайёрланадиган масканларга айланди. Бу орқали ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш янада кучайди.

Бир пайтлар аксарият ота-оналар фарзандларини аскарликдан олиб қолишга ҳаракат қилган бўлса, бугун "Менинг ўғлим ҳам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилсин", деб юксак ишонч ва фахр туйғуси билан армияга жўнатмоқда. Ҳозир йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди.

Айни чоғда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларда "Инсон қадри учун" деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда. Соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ёшлар қалбида армия билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилаётир.

Ҳаммамизга яхши маълум, узоқ ҳарбий қисмларда хизмат қилиш, гарнизонма-гарнизон кўчиб юриш, хизматнинг машаққатларига чидаш нафақат ҳарбий хизматчидан, балки унинг оиласидан ҳам катта сабр-бардошни талаб этади. Шу боис, Президентимиз бошчилигида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Буни ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шароитлари яхшилангани, айниқса, сўнгги олти йилда 10 мингга яқин ҳарбий хизматчи имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлангани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда янги иш ўринлари яратилди. Кўплаб ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича катта ишлар қилиниб, ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан фуқаролик ва парламент назоратини кучайтириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмлар амалиётга жорий этилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг масъул қўмитаси томонидан ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан куч тузилмалари раҳбарларининг ахборотларини тизимли асосда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Масалан, парламент назорати тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиши, ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини яхшилаш, давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан ўрганиш ва эшитувлар ўтказилмоқда.



Ҳеч шубҳасиз, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да бу борадаги ишлар янада кучайиб, замонавий тизим тарзида такомиллашиб боради. Сабаби, Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилишини билдирди. Бутун халқимизга қарата: **"Энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик",** деди. Демак, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият бериш олдимиздаги кечиктириб бўлмас муҳим вазифалардан. Бу борада барча идора ва ташкилотлар, ўқув юртлари, маҳаллалар билан чинакам кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўймоғимиз, биргаликда ишлашимиз лозим.



Айниқса, бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган можаро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар биздан доим огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Ана шундай масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ишончим комилки, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам асосий вазифалардан бўлиб қолади.

Хулосани Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчиман: **"Мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Бу масалада ҳеч кимда, ҳеч қандай иккиланиш ёки шубҳа бўлмаслиги керак. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли".**

# НЕКИ АЗИЗ БЎЛСА, ШАРТДИР ҲИМОЯ!

**"Ўғлим, анча ўзгарибсан, улғайибсан..." Оддий аскар Зуҳриддинов онасидан келган мактубдаги шу жумлани яна овоз чиқариб ўқиди-да, хатни юракка яқин чўнтагига жойлади. Қаддини ростлади ва йўлакдан шахдам қадамлар билан чиқиб сафга қўшилди. Ташқарида уларни ҳарбий бўлишни орзулаган ва шу йўналишда билим олаётган ўсмирлар кутиб турган эди...**

Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармаси биносига етиб борганимизда "Очиқ эшиклар куни" бошланган эди. Бизга бошқарма масъул ходими ҳамроҳлик қилди. Дастлаб Ички ишлар вазирлигига қарашли Наманган академик лицейи ўқувчилари учун қишки таътил даврида режалаштирилган тадбирни кузатдик, ёшлар билан суҳбатлашдик.

Президентимиз "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари билан мулоқот чоғида: "Сизлар Янги Ўзбекистоннинг қанотисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан!" дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, куч — билим ва адолатда. Замон шиддатига ҳар томонлама мос ва доимо шай бўлган Ўзбекистон армиясининг салоҳияти ҳам унинг жанговар қудратида, ҳарбийларнинг юксак билими ва маънавиятидадир. Жисмонан ва ақлан етук, энг муҳими, она Ватанига садоқатли, халқига фидойи аскарларни асло енгиб бўлмайди. Юрт дахлсизлиги, аввало, ватанпарварлик руҳида камол топган жамики фуқаролар ва тинчлик-осойишталикни таъминлашга дахлдор барча орган ходимларининг туғилиб ўсган диёрини чин дилдан севиши, асл фарзанд сифатида хизмат қилишига бевосита боғлиқ. Айни ҳаётий ҳақиқатни дунёдаги беқарор ижтимоий-сиёсий вазият яна бир марта исботлаяпти.

— Ҳарбий форма кийишни болалигимдан орзу қилганман. Мактабнинг 9-синфини тугатиб, лицейдаги имтиҳонларни муваффақиятли топширдим ва 1-босқичга қабул қилиндим, — дейди ИИВ Наманган академик лицейи ўқувчиси Исломжон Исмоилов. — Бугунги "Очиқ эшиклар куни"да ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олдим. Миллий гвардия бўлинмаларида йигитлик бурчини ўтаётган акаларимизнинг жанговар машғулотлари катта таассурот уйғотди. Худо хоҳласа, болаликдаги орзум ушалиши учун астойдил ўқиб-ўрганаман ва ота-онам, устозларим ишончини оқлайман.



Мамлакатимизда аҳоли тинчлиги йўлида жамиятда қонун устуворлигини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барқарор ривожланишимизнинг гарови — тинчликни асраб-авайлашда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси муҳим ўрин тутади. Миллий гвардиянинг асосий вазифаси сифатида белгиланган "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида мутлақо янги механизм ва тартибда давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлик самараси сезиларли ошди.

Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармаси томонидан маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ва таълим муассасалари ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан сақлаш мақсадида вилоятдаги дахлдор идоралар масъуллари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этилди.

— Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва маҳаллалардаги ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, мусобақа ва фестивалларда ҳам Миллий гвардия бошқармасининг иштироки фаол бўлди, — дейди бошқарма бошлиғи, полковник Собитхон Мирзаев. — Дуатлон бўйича бошқарма бошлиғи кубоги, ёшларнинг Миллий гвардия Наманган вилояти бўйича бошқармаси тасарруфидаги ҳарбий қисм ва ҳудудлардаги бўлинмаларга саёҳатлар, хусусан, "Очиқ эшиклар куни" мунтазам ўтказиб келинади.

Бу каби тадбирлар, жумладан, ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар намойиши, ҳарбий-хизматчиларнинг қўл жанги ва саф қўшиқлари, ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари чекка қишлоқлар, чегараолди ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ва ёшлар учун ҳам эсда қоларли бўлмоқда.

Бошқарма батальонида командирлар рухсати билан аскарлардан бирини суҳбатга чорладик.

— Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганман, — дейди оддий аскар Ғиёсиддин Зуҳриддинов. — Ҳарбий хизматни ўтаган акаларимдек бўлишга интилганман. Ҳар бир йигит, албатта, армияга бориши керак, деб ўйлайман. Чунки Ватан тинчлиги, ҳимояси учун хизмат қилишни шарафли бурч деб биламан. Келгусида шу йўналишдаги олий таълим муассасасида таҳсил олиб, ишламоқчиман. Айни пайтда имтиҳонларга қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

"Ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир бўлган, ҳар томонлама замонавий қуролланган қудратли армиямиз шаклланмоқда. Аниқ мақсадга қаратилган ана шундай ишлар натижасида армиямиз қиёфаси ҳам, ҳарбий хизматнинг маъно-мазмуни ҳам тубдан ўзгармоқда. Қўшинларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлик даражаси кескин ошмоқда", — дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

> **Ҳа, хотиржамлик ҳукм сурар экан, диёримиздан файзу барака аримайди, одамлар орасида меҳр-оқибат, хайру саховат, ўзаро ҳурмат қарор топади. Зеро, Ватан тинчлиги ва осойишталиги — улуғ неъмат, уни кўз қорачиғидек авайлаш ҳамда мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Шоир Иқбол Мирзо ёзганидек: "Неки азиз бўлса, шартдир ҳимоя!"**

**Орифжон ЖЎРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

## халқни бахт-саодатга элтади

**Рустам НОРЛИЕВ,**
**Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент**



**Инсон дунёга келибдики, бахтга интилиб яшайди. Саодатли бўлиб, толега чўмиб ҳаёт кечиришни орзу қилади. Унга етишиш йўлларини излайди. Албатта, бу неъматга ўз-ўзидан эришилмайди. Халқимиз азалдан бахт деганда тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, фарзандлар камоли, эл-юрт олдида юзи ёруғлик кабиларни асосий мезон сифатида билган.**

Ҳар бир одамнинг бахти, энг аввало, Яратганнинг инояти, ўзининг меҳнати ва интилишлари билан боғлиқ. Лекин шуни унутмаслик зарурки, инсон халқдан, жамиятдан, Ватандан айро ҳолда бахтли бўла олмайди. Тинчлик-осойишталик қўлга киритаётган ютуқларимизнинг бош мезони, эришаётган марраларимиз, фаровон ҳаётимиз, серфайз дастурхонимиз, фарзандларимиз бахти ва камолининг асосидир. Тинчлик шукуҳи ҳукмрон бўлмаса, инсонга табиатдаги ҳеч бир нарсанинг, жамиятдаги ҳузур-ҳаловатнинг қадри қолмайди.

Хотиржамлик йўқ жойда тараққиёт ҳам, ризқ-рўз ҳам бўлмайди. Келажак, эртанги кун ҳақида орзу-умид ҳам, бахт ҳам, осудалик ҳам хаёлга айланади. Шу боис, тинчлик тараққиётнинг бош омили, эришаётган барча муваффақиятларимизнинг калитидир. Хўш, тинчлик шундай тотли неъмат экан, унга қандай эришилади ёки тинчлик қандай муҳофаза этилади? Осойишталик инсонларнинг бир-бирига ҳадя этадиган туҳфаси ёки бозорда сотиладиган маҳсулот бўлса экан, осонгина қўлга киритилса. Тинчлик неъмати учун нафақат Яратганга дуо ва илтижоларни кўпайтириш, балки курашиш ҳам кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бермоқда. Президентимиз "Бундай ўзгаришларнинг энг катта замини — юртимиздаги тинчлик-осойишталик", деганида айни ҳақ гапни айтган эди.

Бугун дунё саҳнига кўз ташлайлик. Узоқ-яқин айрим мамлакатларда бўлаётган нотинчликлар, талатўплар, қирғинбаротлар, ўзаро низолар ўша мамлакатларнинг аҳолисига нима берди, кимнинг ечилмаган муаммосини ечди, кимни муродига етказди? Аксинча, минглаб одамларнинг жонига зомин бўлди, обод гўшалар харобага айланади, ота-боболар хоки оёқости қилинди, ишлаб чиқариш издан чиқди, одамлар оч-наҳор, баъзилари қочган, баъзилари майиб-мажруҳ бўлиб қолган, яна кимдир бошпана излаб, ўзга юртларда сарсон-саргардон. Бундай жойда бахт, тараққиёт, эртанги кунга ишонч бўладими? Яшаш учун кафолат борми? Асло, йўқ.

Демак, инсон Яратганнинг розилигига ҳам, ўзининг бахту иқболига ҳам фақат ва фақат шукрона ва огоҳлик орқали эришар экан. Шукрона, энг аввало, қалбдан бошланади. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси хилма-хил шакл-шамойил касб этаётган шароитда инсон қалби, онги, дунёқараши учун бўлаётган курашлар бежиз эмас. Бугунги кунда саноқлигина давлатда ядро қуроли ишлаб чиқариш борасида саъй-ҳаракатлар давом этаётган паллада ахборот таҳдиди билан 120 га яқин давлат жиддий шуғулланаётгани дунёни ядро урушидан кўра ахборот хуружи талвасага солаётганидан далолат беради. Бир заминда яшаётган, бир дарёдан сув ичаётган, бир динга эътиқод қилаётган одамларни бир-бирига душман қилиб, уларнинг орасига нифоқ солиб, уруш оловини ёқиб, биродаркушлик урушини зимдан бошлаб бериб, ортидан беҳисоб бойлик тўплаб олаётган қора кучлар ҳам йўқ эмас. Дунё мустамлакачилиги тарихида синовдан ўтган бир ибора бор: "Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил". Бугун ҳам бу ибора эскиргани йўқ. Айнан ана шу ибора асосида акани укага, отани болага, яқин қариндошни бир-бирига қайраб, уларнинг қонини тўкаётган кучлар кўпайиб бормоқда ва бу йўлда беҳисоб маблағ сарфланмоқда.

Манфур кирдикорларини амалга оширишда бу кучлар динни, демократияни, айрим иқтисодий қийинчиликларни, этник хусусиятларни асосий мавзу қилиб олмоқда. Диний-дунёвий саводи бўлмаган одамларга гўёки жаннатдаги ҳаётни ваъда қилмоқда. Уларнинг ибодатидан хато топмоқда, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган айрим қийинчиликларни бўрттириб кўрсатмоқда. Ижтимоий муаммоларга мавжуд тузум айбдор, деб давлат ва фуқаро ўртасидаги бирликка рахна солмоқда. Бундай разил ниятларини амалга оширишда ҳали йўлини таниб олмаган, маънавияти заиф,



иймон-эътиқоди бутун бўлмаган ёшлардан фойдаланмоқда. Ёшлар онгига турли ижтимоий тармоқлар ёрдамида "оммавий маданият", сохта демократия, нотўғри диний тушунчалар орқали таҳдид солиб, йўлдан адаштирмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 20 декабрдаги Мурожаатномасида бу хусусда ҳам тўхталиб, жумладан, шундай деди: "Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур". Президентимизнинг бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қилиниши ҳақидаги таъкиди ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият каратишимиз кераклигидан далолат бермоқда.

Ўз вақтида дунё маданиятида ўзига хос ўрин тутган Сурияадаги Пальмиранинг бугунги ҳолатини кўринг. Ҳозир дунёда минглаб одам жон сақлаш мақсадида саҳрода кочиб юрибди, бекордан-бекорга ҳалок бўлаётганлар ҳам кам эмас. Европага бораётган қочоқларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Хўш, бу урушлар кимга бахт олиб келди, кимнинг муаммосини ечди, кимнинг оғирини енгил қилди? Қўшни мамлакатда юз берган ўзаро биродаркушлик уруши афғон халқига деярли 45 йилдан бери нима берди? Офат, қайғу, бахтиқароликдан бошқа нарса келтирмади.

Бугунги ҳаётимизга бир назар солайлик. Ҳаётимиз тинч, тунларимиз осуда, меҳнатимиз баракали, бозорларимиз обод, кўчаларимиз файзли, шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун гўзаллашиб бормоқда. Ризқимиз бутун, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз эртасидан



> **БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗГА БИР НАЗАР СОЛАЙЛИК. ҲАЁТИМИЗ ТИНЧ, ТУНЛАРИМИЗ ОСУДА, МЕҲНАТИМИЗ БАРАКАЛИ, БОЗОРЛАРИМИЗ ОБОД, КЎЧАЛАРИМИЗ ФАЙЗЛИ, ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КУНДАН-КУН ГЎЗАЛЛАШИБ БОРМОҚДА. РИЗҚИМИЗ БУТУН, ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭРТАСИДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ, УЛАРНИНГ ШЎХ КУЛГИСИ ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИГА ФАЙЗ ҚЎШИБ ТУРИБДИ.**

кўнглимиз тўқ, уларнинг шўх кулгиси хонадонларимиз файзига файз қўшиб турибди. Кексаларимиз ардоқда, беморларимиз парваришда. Халқимиз ўз юмуши, бунёдкорлик ишлари билан банд, эртанги кун орзуси ва умиди билан яшамоқда. Яшаш учун барча имкониятлар бор бу юртда.

Ҳар биримиз ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, юртимиздаги изчил тараққиётни кўзимиз билан кўриб турибмиз, қалбдан ҳис этиб, турмушимизда сезмоқдамиз. Бундай юксалишларни, халқимиз ҳаётидаги бахт ва иқболни, фаровонликни нафақат ўзимиз ҳис этяпмиз, балки дунё аҳли ҳам бизга алоҳида ҳавас билан қарамоқда ва тан бермоқда. Халқимиз барча ютуқларга, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, бунёдкорликка ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайлигина эришди. Айниқса, "Инсон қадри учун" тамойилининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига асос сифатида олингани, кейинги беш йилликка мўлжалланган аниқ режаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида халқимиз Учинчи Ренессанс пойдевори ҳисобланган илм-фан, иқтисодиёт ва маънавий-маърифий соҳаларда жаҳоннинг ҳавас қилса арзийдиган мамлакатлари қаторидан жой олади.

Ҳазрат Алишер Навоий шаҳзода Бадиуззамонга ёзган мактубларидан бирида шундай ҳикматомуз фикрларни баён қилади: "Одамнинг мурод-мақсади бўлмаса, балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроди кўпроқ бўлса, Ҳақ таоло амрига итоати ҳам бўлади". Шундай экан, ҳар биримиз ўз мақсадимизни аниқ белгилашимиз, огоҳ бўлишимиз, Ватан, ота-она, қариндош-уруғ, фарзандлар, халқ, эл-юрт олдидаги масъулиятимиз ва бурчимизни англаган ҳолда, бунёдкорлик ҳисси билан яшашимиз ва шу орқали барча эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишимиз мумкин. Ўзини шу ватаннинг фарзанди деб билган инсонлар нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки ота-онаси ва фарзанди билан мулоқотда ёки ака-укалари суҳбатида ҳам дунёда юз бераётган нотинчликлар, тўполонлар, экстремистик оқимлар фаолиятидан бирбирини огоҳ этиб турмоғи керак. Шунингдек, хунрезликларнинг ортида турган кучлар ҳамда уларнинг ғаразли мақсадлари моҳиятини очиб бериши, мамлакатимиздаги ютуқлар, бунёдкорликлар, тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги амалий ишлар ва вазифалар ҳақида мулоҳаза юритиши даркор.

Биз гўзал, озод ва обод Ватан куряпмиз. Ҳаётимиз осойишта, турмушимиз фаровон, эртанги кунимизга ишончимиз катта. Бироқ ана шунинг ўзи ҳаётимиз ва тинчлигимиз, эртанги кунимиз, кўзлаган мақсадларимиз, эришишимиз лозим бўлган марралар учун етарли эмас. Бугунги мафкуравий хуружлар, "оммавий маданият" таҳдиди даврида бирор дақиқа ҳам лоқайд ва бефарқ бўлмаслигимиз зарур. Ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлган ҳолда тинчлигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз, ёшларимиз онгини ёт ғоялардан ҳимоя қилмоғимиз, мақсад ва муддаоларимизни аниқ белгилаб олмоғимиз зарур. Бу борада давлатимиз раҳбарининг "Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуроний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик!" деган хитоби барчамизни такрор ва такрор огоҳликка ундайди.

СОҒЛОМ ҲАЁТ

# ВАҚТ, ИЛМ ВА САЛОМАТЛИК

## ДАҲОЛИКНИНГ ЯХЛИТ ҲАЛҚАСИ

**Фозил СУЛТОНОВ,**
**меҳнат фахрийси**

**Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўя олмаётганимиз ҳақида қайғуриб гапирди. Тўғри овқатланиш рационига доир тавсияларни одамларга етказиш, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқлар ўргатиш ишларини олиб бориш зарурлигини айтиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлашимиз кераклигини таъкидлаганида бу ҳаракатда ёшу қари — барчамиз иштирок этишимиз зарурлигини ҳис қилдим. Ўзим истиқомат қилаётган маҳалла фаоллари ва ёшлари билан бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу ҳаракат ҳақидаги режаларимизни ўртага ташладик. Суҳбат асносида ёшларга "Соғлом турмуш тарзи", аввало, мия фаолияти билан боғлиқлиги, бундай ҳаёт тарзи инсоннинг доимо ёш бўлиб қолишига ёрдам беришини ҳамда тавсияларимни айтиб ўтдим.

Аввало, ҳар бир инсон руҳан кучли бўлиши учун кунига 3-4 соат илм ёки мутолаа билан шуғулланиши, шахмат ўйнаши муҳим. Қариш жараёни муқаррар равишда мия фаолиятига таъсир қилади, деган фикрни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Мияни соғлом ва ёш сақлаш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда эканини унутманг. Янги билимларни эгаллаб бориш ҳам инсонга ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Мия тинч ҳолатда тахминан 420 ккал. сарфлайди ва танадаги барча глюкозанинг 60 фоизидан фойдаланади. Кучли ақлий меҳнатда эса сарфланадиган калория миқдори янада ошади. Умуман, олимларнинг таъкидлашича, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан 3 баробар кўп энергия талаб қилиши исботланган.

Яна бир асосий тавсия — овқатланишдаги одатларингизни ўзгартиринг. Гарчи бу жараён иродали бўлишни талаб қилса-да, тўғри овқатлана бошлаганингизда кайфиятингиз кўтарилгани ва ҳаётга бошқача назар ташлай бошлаганингизни ҳис қиласиз. Мутахассисларнинг айтишларича, овқатланиш пайтида калорияни чеклаш (эрталабки овқат калорияси кечки овқатникидан икки баробар кўп бўлишини эътиборга олиш), шунингдек, вақти-вақти билан рўза тутиш нейрогенезга ёрдам беради. Бундан ташқари, калорияларни назорат қилиш диабет ва метаболик касалликларнинг аломатларини камайтиради.

Уйқуга ҳам жиддий эътибор қаратинг. Чунки уйқу деб аталмиш ҳордиқ чиқариш глимфатик тизим орқали мияни тозалайди. Уйқусиз тун IQ даражасини анча тушириб юборади. Шунинг учун кунига 7-8 соат ухлашга ҳаракат қилинг. Иложи бўлса, кундузи ҳам бироз мизғиб олинг.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни канда қилманг. Чунки ушбу машғулот юрак яхши ишлаши учун мотивация беради. Бунда югуриш, тез юриш ва ҳаракат билан боғлиқ аэробик машқлар жуда фойдали.

Мазкур тавсиялардан шуни хулоса қилиш мумкинки, инсон организмида мия энг кўп энергия талаб қилиши билан аҳамиятли. Энергия ажраб чиқиши эса қоннинг ҳужайрага кислородни етказиб бериши билан боғлиқ масала. Зеро, кислород етиб бормаган ҳужайра ҳалокатга учрайди. Айниқса, ҳозирги мавсумий шамоллаш шароитида бу жуда муҳим. Кислородни қон орқали ҳужайрага етказишда тўғри нафас олиш фойдалилигини ҳамма билади, аммо тўғри нафас олиш қандай бўлишини кўпчилик билмайди.

Тўғри нафас олиш — мустаҳкам иммунитет гарови. Авваламбор, бурун орқали нафас олиш шарт. Бурун билан нафас олар эканмиз, у ҳавони намлайди, тозалайди, дезинфекция қилади ва сўнгра ўпкага узатади. Шунинг учун ҳам оғиздан нафас оладиган кишиларда тез-тез шамоллаш ва касалланиш ҳолатлари қайд этилади. Олинаётган ҳавонинг 80 фоизи ўпкага бурун орқали кириши керак. Буюк аллома Абу Али ибн Сино "Оғиз билан нафас олиш — бурун билан овқат ейишга тенг", дея бежиз таъкидламаган. Ҳозир шиддатли ҳаётда доимо стресс ҳолатида бўламиз ва ўзимизни умуман бўш қўймаймиз, ўз навбатида, нафас олиш бузилиши ҳам кузатилади. Организм ҳужайралари кислородга тўйинмайди, бу эса турли касалликлар келиб чиқишига туртки бўлади. Кунига ҳеч бўлмаса, 10 дақиқа нафас машқини бажариш учун вақт ажратинг. 10 дақиқа чуқур нафас олиш юрак фаолиятини ва қон босимини меъёрга келтиради. Чуқур нафас олиш асосида ўпка альвеолаларида ҳаводаги кислороднинг сўрилиши ва карбонат ангидриднинг организмдан чиқарилиши 2-3 баробар ортади, яъни ҳужайралар қон орқали кислородга тўйинади. Бу эса одамни жуда тинчлантиради. Масалан, мунтазам (эрталаб ва ётишдан олдин) тўғри нафас олиш машқини (10-15 дақиқа давомида) бажариш зарур. Дастлаб бир дақиқа давомида иложи борича чуқур, яъни 10-15 сония давомида фақат бурун билан секин нафас олиб, сўнгра 10-15 сония давомида оғиз орқали нафас чиқаринг. Демак, бир дақиқада 2 марта чуқур нафас олиб, 2 марта чиқариш зарур (бу оддий одам учун анча мушкул, чунки инсон ўртача бир дақиқа давомида 12-14 марта нафас олиб чиқаради, лекин бир ойда мунтазам шу машқни бажариб турса, бунга эришиши мумкин).



Умуман олганда, табиатда мутлақ (юз фоиз) соғлом ва мутлақ (юз фоиз) касал одам бўлмайди. Инсон организмида биокимёвий ўзгаришлар жараёни тинимсиз давом этади. Касаллик ва соғломлик мезонини (нисбийлик назариясини эътиборга олсак) мия фаолияти бошқариб боради. Шунинг учун ҳам кучли стресс (бирор ҳодисадан чуқур ҳаяжонланиш) пайтида инсон иммун тизими ишдан чиқади ва ҳар хил касалликлар пайдо бўлади. Халқимиз бежиз "Жаҳл келганда ақл кетади", демайди. Юқоридаги мулоҳазалардан маълум бўладики, Аллоҳ яратган инсон нафақат моддий, балки руҳий дунё маҳсули ҳам экан. Моддий дунё руҳий дунёнинг бир қисми бўлиб, унга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланади.

Демак, инсон "бахтли ҳаёт" атамасини моддий ва маънавий (илмий-руҳий) дунёга бўлиб, қайси бирига кўпроқ вақт ажратиши кераклигини англаб етиши лозим. Фикримизча, инсон ҳаёт тарозисининг моддий ва маънавий паллаларини назорат қилганида маънавий палласи оғирроқ бўлгани мақсадга мувофиқ. Чунки моддий дунё чегараланган, яъни у охир-оқибатда тамом бўлади, маънавий дунё эса чегараланмаган ва у бизни комилликка олиб боради.

Инсоннинг бахтли ҳаёт кечиришига олиб келувчи учта муҳим омил бор. Булар: вақтдан унумли фойдаланиш, илмий салоҳиятни мунтазам ошириш ва саломатлик билан доимо шуғулланишдир. Таъбир жоиз бўлса, бу учта муҳим омилни занжирнинг бир-бирига боғлиқ уч ҳалқаси сифатида кўриш мумкин. Ажабланарлиси шундаки, бу ҳалқаларнинг иккитаси (вақт ва саломатлик) моддий дунёга (фоний) боғлиқ бўлиб, инсоннинг ёши ўтиши билан заифлашиб борса, учинчиси, яъни илм фақат кучайиб боради, чунки у бизнинг маънавий-руҳий дунёмизга боғлиқ жараён.

Фақат илм инсоннинг руҳий дунёсини моддий дунё (вақт ва саломатлик) билан боғловчи энг муҳим восита экан. "Бешикдан қабргача илм изла" деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Илмни нур деб эътироф этган буюк мутафаккир Ҳаким Термизий шу нур — илм бандани Аллоҳ васли томон йўналтиришини бот-бот уқтиради. Хусусан, аллома "Китоб ал-ҳуқуқ" (Зиммадаги ҳақлар) асарида "Аллоҳ таоло энг аввало илмни яратган, илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган, донишмандликдан эса адолат(адл) ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган", деб ёзади. Илм нарсалар моҳиятининг кашфиёти тарзида талқин этилиб, "Марифат ал-илм биллоҳ"— "Аллоҳни билим билан таниш" ғояси илгари сурилади.

Энди юқоридагиларнинг исботи ўлароқ, ҳар бир ҳалқанинг сифатларини алоҳида мушоҳада қилсак. Халқимизда "Вақтинг кетди — нақдинг кетди" деган мақол бор. Афсуски, биз бу мақолнинг моҳиятига кўп ҳам эътибор бермаймиз. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, вақтга қараб яшашни ўрганган. Лекин "Вақтнинг ўзи нима?", "Вақт нисбийми ёки доимийми?", деган саволларга ҳамма ҳам жавоб бера олмайди. Буюк физик олим Альберт Эйнштейн нисбийлик назариясини яратганда, кўпчилик уни "мияси айниган чол" сифатида қабул қилган, чунки у биринчи марта вақтнинг нисбийлигини (моддий дунёга боғлиқлигини) илмий исботлай олган. Оддийроқ қилиб тушунтирганда, инсон вақтни Ернинг ўз ўқи атрофида (кун ва тун) ва қуёш атрофида (йил) айланишига нисбатан ўлчов сифатида қабул қилганлигини эътироф этиш мумкин.

Инсон нафақат моддий дунёда, балки руҳий-илмий, маънавий оламда ҳам яшайди. Бунга мисол қилиб, ҳаммамиз кўрадиган оддий тушни олайлик. Ҳаммамиз ҳам жуда бўлмаса, бир ёки икки марта тушимиз маълум вақтдан сўнг ўнгидан келганини эътироф этамиз. Бу қандай рўй беради? Эстон академиги Нааннинг фикрича, биз туш кўриш ҳолатида келажак ўлчамига тушиб қоламиз ва ундан ахборот оламиз. Чунки бу вақт ўлчами Ерга нисбатан эмас, балки коинот ўлчамига асосланган ва вақт муаллақ — ўтмайди. Ҳамма диний таълимотларда инсон руҳининг мавжудлиги эътироф этилган.

Энди инсонни бахтга элтувчи учинчи омил — саломатлик тўғрисида фикр юритсак. Кўпчилик орасида "Соғ танда — соғлом фикр" деган нақл ишлатилади, ваҳоланки, соғлом фикрли инсоннинг танаси ҳам соғлом бўлади. Аллома Абу Наср Форобий асарларига назар солсак, у бундан 12 аср илгари "Инсон соғлом танга эга бўлиши учун соғлом фикрли, пок бўлиши керак", деб таъкидлаган эди.

Илм-фан бобида машҳур боболаримиздан фахрланиш билан чегараланиб қолмай, улар бошлаган улуғ ишларни давом эттириш пайти келди. Зеро, айни пайтда илм билан шуғулланиш ва турли соҳаларда изланишлар олиб бориш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Учинчи Уйғониш даврининг муҳим палласида яшамоқлик масъулияти бизнинг зиммамизга шундай улкан вазифалар юклаганини унутмайлик.

КИНО САНЪАТИ

# ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК мавзусидаги фильмлар ёш авлодни етуклик сари етаклайди









**Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда бўлганидек, маданий-маърифий жабҳаларда ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, миллий кинематографиямизни жаҳон миқёсига олиб чиқишга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда.**

Миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, юртимизда жаҳон тажрибаси асосида кино ишлаб чиқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 7 апрелдаги "Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони қабул қилинган эди.

Унда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан Кинематография агентлиги кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида стратегик манба сифатида шакллантириш мақсадида давлат буюртмасига асосан, бадиий ва ғоявий жиҳатдан юксак савияли фильмлар суратга олиб келмоқда.

Мазкур фильмлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган мард ўғлонлар ҳақида ҳикоя қилувчи картиналар алоҳида ўрин тутади. Сўнгги йилларда мавзуга оид 30 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар, сериаллар суратга олинди. "Илҳақ", "Матонат", "Халқ жасорати", "101", "Тутқунлик", "Тинчлик ортида", "Барон-2: Соғинч", "Аёл қисмати", "Ҳаёт", "Ватан остонаси" сингари фильмлар шулар жумласидан. Мазкур фильмлар ўзбек томошабини билан бирга хорижда ҳам кино мухлислари эътиборига ҳавола этилди, бир қатор йирик халқаро кинофестивалларда юқори ўринларни эгаллади.

Халқимиз орасидан эл-юрт озодлиги, Ватан тараққиёти ва фаровонлиги учун ўз жонини фидо қилган қанчадан-қанча сара ўғлонлар етишиб чиққан. Киноижодкорлар томонидан ана шундай мард ўғлонлар ҳаётини теран ва ҳаққоний акс эттиришга ҳар томонлама эътибор қаратиб келинмоқда.

Режиссёр Зулфиқор Мусоқов суратга олган "Ватан", "Қўрғошин", "Берлин — Оққўрғон", "Ҳайрат" сингари фильмларда тараннум этилган озодлик, ватанпарварлик ғоялари миллионлаб қалбларни ларзага солди. Абдувоҳид Ғаниев режиссёрлик қилган "Элпарвар" фильмида эса халқимизнинг Чингизхон бошчилигидаги мўғил босқинчиларига қарши кураши тарихий шахслар, шунингдек, бадиий образлар ва воқеалар ёрдамида яққол очиб берилган.

2020 йилда томошабинлар эътиборига ҳавола этилган "Илҳақ" бадиий фильми учун Иккинчи жаҳон урушида беш фарзандини урушга жўнатиб, уларнинг дийдорини қайта кўролмаса-да, саботи ва матонатини йўқотмаган ўзбек аёли — Зулфия Зокированинг ҳаёти асос қилиб олинган.

Фильм ғояси анча аввал туғилган бўлса-да, уни амалга ошириш маълум сабабларга кўра кечикаётган эди. Давлатимиз раҳбари 2019 йили Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда Зулфия аянинг аччиқ тақдирини тилга олди:

*"Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яксон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми? Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!"*

Шундан сўнг унутилаёзган фильм сценарийси қўлга олинди. Истеъдодли режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов фильм орқали урушдан қайтмаган беш нафар дилбанди, жондан ортиқ жигаргўшасини ҳамон кутаётган, чуқур қайғуга ботган муштипар она сиймосини яратишга киришди. Даҳшатли урушнинг мудҳиш оқибатлари, айрилиқ азоби, заҳмат ва қийинчилик қаддини букиб қўйган онаизорнинг руҳиятидаги матонат, мустаҳкам ирода ёшлар учун катта ибрат.

Фильмдаги таъсирчан саҳналар ёшларимизни урушнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳ этиш, ҳозирги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундаш, уларга Ватан ҳимояси инсон учун энг қадрли, шарафли, олий бурч эканини англатишга хизмат қилади.

Мазкур фильм айни пайтгача бир қанча халқаро фестивалларда нуфузли совринларни, жумладан, 2021 йилда Беларусда ўтказилган "Листопад" кинофестивалида гран-прини қўлга киритди.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушида ўзбек йигитлари нафақат жанг майдонларида, ҳатто асирликда, энг оғир шароитларда ҳам инсонийлик қиёфасини, ғурурини йўқотмаган. Бу эса хорижликларни ҳам ҳайратга солиб келади. 1942 йилда Смоленск остонасида асирга тушган 101 нафар ўзбек аскарининг Амерсфорт (Нидерландия) концлагеридаги матонати фашистларнинг идеологик режаларини ҳам пучга чиқарган эди. Дунё жамоатчилиги бу ҳақда ўша лагерда бўлган собиқ маҳбуслардан бирининг ҳикоялари орқали хабар топди.

Бу ҳақда ўзбек киноижодкорлари "101" бадиий-ҳужжатли фильми ҳамда "Матонат" ҳужжатли фильмларини суратга олди. Ушбу фильмлар хорижда ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олинди. Хусусан, 2021 йилда Истанбул шаҳрида ўтказилган "Қўрқут ота" фестивалида Шуҳрат Маҳмудовнинг "Матонат" картинаси "Энг яхши ҳужжатли фильм" деб топилди.

Тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликнинг қанчалик улуғ неъмат эканини халқимизга етказиш, тинчлик посбонлари ҳаёти ва фаолиятини холисона акс эттириш киноижодкорлардан жиддий ёндашувни талаб этади. Бугунги кунда юртимизда инсон қадр-қиммати, виждон ва эътиқод эркинлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Билиб-билмай турли оқимлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган минглаб юртдошларимиз афв этилди. "Меҳр" операцияси доирасида 2019 йилнинг май ойидан бошлаб, Яқин Шарқдаги уруш ўчоқларидан жами 500 дан ортиқ ҳамюртимиз Ўзбекистонга олиб келинди. Бу операцияда ҳарбийларимизнинг хизмати беқиёс бўлган.

Мазкур операция ҳақида Кинематография агентлиги томонидан "Тутқунлик", "Аёл қисмати", "Ватан остонаси" сингари сериал ва бадиий фильмлар яратилди. Ушбу фильмларда операциянинг аҳамияти, террорчи тўдалар тузоғига илинган хотин-қизларнинг аянчли тақдири, афсус-надоматлари, осойишталигимиз посбонларининг юксак жасорати бадиий жиҳатдан ўта реал ва ёрқин акс эттирилган.



Бундан етти йил муқаддам экранларга чиққан "Барон" фильми миллионлаб томошабинларни ҳаяжонга солган, айни пайтга қадар томошабинлар мазкур фильмнинг давомини интиқлик билан кутарди. Ўтган йилда Рустам Саъдиевнинг "Барон-2: Соғинч" бадиий фильмида халқаро уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликдаги самарали кураш тасвирланган.

2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида юз берган қонли воқеалар бутун дунёни ларзага солган, унинг тўлқинлари ҳатто юртимизни ҳам четлаб ўтмаганди. Жумладан, 10 сентябрь куни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг Тошкентдан Нью-Йоркка парвоз қилган 101-рейс экипажи аъзолари жасорати, қаҳрамонлиги туфайли самолёт бортидаги 200 нафардан ортиқ инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинган эди. Мазкур воқеа ҳам ўзбек киноижодкорлари эътиборидан четда қолмади.

2018 йилда режиссёр Акром Шоҳназаров бошчилигидаги ижодий гуруҳ "101-рейс" бадиий фильмини суратга олиш ишларига киришган эди. Тўрт йилдан ортиқ давом этган меҳнат натижасида фильм катта экранларга кўчди. Мазкур фильмдаги бош қаҳрамон образи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслоновнинг сўнгги роли бўлиб қолди.

Ҳилол Насимовнинг "Ҳаёт" фильми ҳам томошабинлар томонидан илиқ қарши олинган. Фильм 2000 йилдаги Сариосиё воқеаларига бағишланади. Ўша йили август ойида жанубий сарҳадларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган террористик гуруҳларга қарши Ўзбекистон Қуролли Кучларининг махсус операция кучлари батальони кураш олиб борган. Пистирмадаги душманни йўқ қилиш учун 300 дан ортиқ ҳарбий хизматчи мардона жанг қилган. 21 нафар ўзбек ўғлони мудофаа чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Ушбу кинокартина ўша воқеалар асосида тасвирга олинган.

Акбар Бектурдиевнинг 2018 йилда суратга олинган "Тинчлик ортида" фильмида бугунги осойишта ҳаёт, тинчликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат каби мавзулар очиб берилган. Бундан ташқари, Абдувоҳид Ғаниевнинг "Қўрғон" фильмида ҳаётий қарашлари туфайли йўллари айро тушган икки дўстнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг бири экстремистлар тўдасига кириб, хорликда ўлим топган бўлса, иккинчиси Ватан тинчлиги учун мардонавор курашиб, ўнлаб ҳамюртларимиз ҳаётини асраб қолади.

Айни пайтда Кинематография агентлиги томонидан мудофаа, ички ишлар вазирликлари, давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия билан ҳамкорликда ҳужжатли фильмлар, сериаллар суратга олиш ишлари давом эттирилмоқда. "Беларусфильм" билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши йилларида "Осиё арслони" номини олган ўзбек жангчиси Мамадали Топволдиев қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи "Казбек" бадиий фильми суратга олинмоқда. "Зувала", "Уч қаҳрамон", "Офицер 55" сингари яна ўнга яқин бадиий фильм ва сериаллар томошабинларга тақдим этилиш арафасида.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида ҳам Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси билан ҳамкорликда давлат ва нодавлат телеканалларда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар намойиш этилмоқда. 12-15 январь кунлари телеканаллар орқали ўндан ортиқ ана шундай фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Ушбу киноасарлар она Ватан тинчлиги йўлида камарбаста бўлган, фидойилиги ва жасорати билан юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо қилган Ватан ҳимоячиларининг шарафли ҳаёт йўлига бағишланади. Юртимиз сарҳадлари муқаддас ва дахлсизлиги, айнан шу ердан халқимизнинг осуда ҳаёти бошланиши, уни кўз қорачиғидек асраш юксак шарафли иш эканини ёшлар онгига сингдириш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда бу фильмларнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс.

**Шоҳира РАУФБОЕВА,**
**журналист**

## Уларнинг ҳар бири ҳақида киноасарлар яратса арзийди

**Ҳилол НАСИМОВ, кинорежиссёр:**



— Ватанпарварлик фақатгина ўз маконига меҳр қўйишдан иборат эмас, бу инсоннинг ўзини эл-юрт билан бир бутунликда, чамбарчас боғлиқликда ҳис этишини англатади. Тарихимиздан маълумки, миллат учун, ўз Ватани учун қаҳрамонликлар кўрсатган, жонини қурбон қилолган буюк аждодларимиз жуда кўп.

Инсон энг қийин даврларда мушкул вазифаларни ўз зиммасига олсагина, ҳақиқий ватанпарвар ҳисобланади. "Ҳаёт" фильми ҳам давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонлик кўрсатган ўғлонларимиз ҳақида тўлиқ метражли фильмлар яратилиши зарурлиги ҳақидаги фикрларидан илҳомланиб суратга олинган эди.

Фильмда Сариосиёдаги воқеалар, у ердаги зиддиятли вазиятда армиямиз кўрсатган жасорат ҳақида ҳикоя қилинади. Кинода Ҳаёт образи орқали 300 дан зиёд ҳарбий, минглаб волонтёрлар қаҳрамонлиги кўрсатилган. Аслида, уларнинг ҳар бири ҳақида сериаллар, бадиий фильмлар суратга олинса арзийди.




"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 01:20